

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

10.09.2024 йил

Тошкент
шаҳри

Тошкент туманлараро маъмурий суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья []нинг раислигида, судья ёрдамчиси []нинг котиблигида, тарафлар иштирокида, аризачи «Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD қонуний манфаатида «Gas Smart Group» МЧЖ раҳбари []нинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига нисбатан «New World Tech» МЧЖ номига расмийлаштирилган «Boayo» номли []-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи «Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD қонуний манфаатида «Gas Smart Group» раҳбари [] судга ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан [] номига расмийлаштирилган [] номли []-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи «Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD қонуний манфаатида «Gas Smart Group» раҳбари []лар шикоятни қўллаб қувватлаб, суддан шикоятни қаноатлантиришни сўрадилар.

Аввалги суд мажлисида иштирок этган жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакили [] шикоят аризани тан олиб, аризани қаноатлантирилишига эътирози йўқлигини билдириб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Учинчи шахс сифатида жалб қилинган [] вакили суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамай суд мажлисига келмади ва келмаганлик сабабини судга билдирмадилар.

Шу сабабли суд Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш кодекси (кейинги матнларда МСИЮтК деб юритилади)нинг 148-моддасига асосан учинчи шахс вакилларининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб ва тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга кўра, шикоятни қаноатлантириш ҳақида тўхтамга кетади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси ва МСИЮтКнинг 4-моддасига мувофиқ, ҳар қандай манфаатдор шахс бошқа давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан [] йилда «New World Tech» МЧЖ номига «Boayo» номли []-сонли товар белгисига гувоҳнома билан 7-синфда рўйхатдан ўтказилган.

Бундан норози бўлган аризачи «Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD қонуний манфаатида «Gas Smart Group» раҳбари [] судга ушбу ариза билан мурожаат қилиб, [] номига расмийлаштирилган [] номли []-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Аниқланишича, «Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD компанияси 1999 йилда ХХР Zhejiang провинциясида ташкил этилган. Унинг асосий фаолияти тикув машиналарни ва тикувчилик соҳасида фойдаланиладиган дастгоҳларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришдан иборат.

«Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD компанияси Ҳалқаро Мадрид битимида доир баённомага асосан [] йилда «Баюу» номли товар белгисини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофазаси учун []-сон билан рўйхатда олинган ва товар белгисининг амал қилиш муддати [] йилга қадар белгиланган.

Товар ва хизматлар халқаро таснифининг 7-синфдаги "Тикув машиналари; дазмоллаш машиналари; мато тўкиш машиналари; тикув машиналари учун педаллар; мато кесиш машиналари, саноат тикув машиналари учун дастгоҳлар; ўраш машиналари; тўқимачилик саноати учун машиналар, металлга ишлов бериш машиналари; қўл асбоблари" учун рўйхатдан ўтган.

Мадрид Баённомаси орқали Ўзбекистонда муҳофазаланган белгилар ҳам белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонунининг (бундан кейин Қонун) 3-моддасига кўра товар белгиси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

10-моддасида товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар тоифалари келтирилган бўлиб,

ушбу модданинг "13"-кичик бандига кўра илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар давлат рўйхатидан ўтказилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 10-моддаси "14"-кичик бандига кўра ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар давлат рўйхатидан ўтказилмаслиги белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 24-моддасига кўра товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1-12-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида, башарти у ушбу Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бироқ ушбу қонун талаблари бузилган ҳолатда фонетик жиҳатдан ўхшаш бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан [] йилда «New World Tech» МЧЖ номига «Воауо» номли [] сонли товар белгисига гувоҳнома билан 7-синфда рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 72-моддасига кўра, ишнинг маъмурий суд томонидан барчага маълум деб топилган ҳолатларини исботлаш талаб этилмайди. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки иқтисодий суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган маъмурий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга дахлдор бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир, деб белгиланган.

Фарғона вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов

хайъатининг [] -сонли иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорига мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Интеллектуал мулк маркази" Давлат муассасасининг экспертиза хулосасига асосланиб, []

[] компаниясининг даъво талаблари қаноатлантирилиб, жавобгар [] зиммасига даъвогар Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD компаниясига тегишли бўлган [] товар белгисидан фойдаланишни тўхтатиш; даъвогар Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD компаниясига тегишли бўлган «Baoyu» товар белгисига адаштирадиган тарзда ўхшаш даражада тайёрланган товар белгилари ва айнан ушбу товар белгиси остида ишлаб чиқарилган тикув машиналари, уларнинг идишлари ва ўровларидан йўқотиш, агарда белгиларни тикув машиналаридан йўқотиш имконияти бўлмаганда махсулотнинг ўзини фуқаролик муомаласига киритмаслик ва йўқ қилиш мажбурияти юклатилган.

Мазкур қарор ҳозирги кунда қонуний қучида.

Ваҳоланки, Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Интеллектуал мулк маркази" Давлат муассасасининг экспертиза хулосасида Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг (Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 19.09.2023 йилдаги 480-сон) 87-бандда келтирилган товушли ўхшашлик меъзонларига асосланган ҳолда «Воауо» сўзли белги фонетик жиҳатдан «Baoyu» товар белгисига адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги келтирилган.

Бироқ, «New World Tech» МЧЖ ўз белгиси «Воауо»ни 2024 йил 19 февралда Адлия вазирлигига товар белгиси сифатида давлат рўйхатдан ўтказиш учун топшириб, 2024 йил 31 июлда []-сон гувоҳнома билан айнан 7-синфда рўйхатдан ўтказган.

МСИЮтКнинг 67-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

МСИЮтКнинг 189-моддаси 2-қисмига кўра суд, устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёҳуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузётганлигини аниқласа,

қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Суд юқорида қайд этилган қонун талабидан келиб чиқиб, Мадрид баённомаси орқали Ўзбекистон Республикасида муҳофазаланган белгилар ҳам белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ҳисобланишини, "Boayo" товар белгиси «Baoyu» товар белгисига адаштириб юборадиган даражада ўхшашлигини инобатга олиб, қолаверса ҳозирги вақтда суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлиб, қонуний кучга эга эканлигини, аризачининг аризаси асосли деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантирган ҳолда жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «New World Tech» МЧЖ номига расмийлаштирилган «Boayo» номли [REDACTED]-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни лозим топади.

Шунингдек, суд давлат божи масаласини муҳокама қилиб, МСИЮтКнинг 115-моддаси талабларидан келиб чиқиб, аризачининг аризасини инобатга олган ҳолда аризачи томонидан тўланган 3.400.000 сўм давлат божи ва 34.000 сўм почта харажатини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ва МСИЮтКнинг 115, 189, 154-158-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Аризачи «Zhejiang Baoyu sewing machine Co» LTD қонуний манфаатида «Gas Smart Group» раҳбари А.Дуржановнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «New World Tech» МЧЖ номига расмийлаштирилган «Boayo» номли [REDACTED]-сонли гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилсин.

Ҳал қилув қарори устидан ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар маъмурий судига апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, қарор қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят берилиши ёхуд протест келтирилиши мумкин.

Иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган бўлса, ҳал қилув қарори устидан тафтиш тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас.

Раислик қилувчи

